

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Саноатни модернизациялаш, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартидир. Шу боис, жойларда ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янгиларини барпо этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига асос бўлаётгани билан аҳамиятлидир.



янги ишлаб чиқариш корхоналари эришаётган муваффақиятларда намоён бўлмоқда



Оққўрғон тумани, Уста Нормат номли маҳалла ҳудудида яқиндагина фаолиятини бошлаган "Best mega partners" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси тезда назарга тушди.

Мазкур тўқимачилик корхонаси жойлашган ҳудуд инкироз ёқасига келиб, вайронага айланаётган эски машина-трактор парки эди. Ҳудудда Оққўрғон кичик саноат зонаси ташкил этилган, у корхонага ноль қийматда берилиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан сўнг тadbиркор Бекзод Ниёзов ҳамда хитойлик инвестор "Qingdao tongjia textile machinery co.ltd" корхонаси 5 миллиард 350 миллион сўмлик инвестиция киритди. Банкдан олинган 850 минг АҚШ долларилик кредит ҳисобидан Хитойдан энг замонавий русумдаги текстиль маҳсулотлари ишлаб

чиқаришга ихтисослаштирилган ускуналар олиб келиб, ўрнатилди. Ҳозирда корхонада кунига 4 тонна калава-ип, 6 минг жуфт кўлқоп тайёрланмоқда.

— Аста-секин қувват ошиб боради, — дейди Бекзод Ниёзов. — Айтиш мумкин, 10 нафар ишчимиз бор. Яқин кунларда уларнинг сони 40 нафарга етади. Ишни ташкил этиш икки сменада, уч сменанага ўтказилади. Маҳсулотимизнинг асосий қисми экспорт қилинади.

Корхонада ишчиларга керакли шароитлар яратилган. Икки маҳал иссиқ овқат берилади, ишга келиш кетиш учун автобус бор. Табиийки, бундай шароитлар хорижий инвесторларга ҳам маъқул келади ва ҳамкорлик янада ривожланади.

Масъумжон ҚИЁМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Қуйи Чирчиқ тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Акмал Арслонович Холмуродов Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Шунингдек, сессияда Абдумалик Абдуганиевич Қўлдошев туман прокурори, Шухратали Тоирович Имомов туман солиқ инспекцияси раҳбари сифатида таъиништирилди.

Сессияда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов сўзга чиқди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОҲАНГАРОН ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Охангарон тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Абдувоҳид Турдубоев Охангарон тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов сўзга чиқди.

ПУЛНИ ОЛГАН КИМУ — КУЛГИГА ҚОЛГАН КИМ?



БУҒДОЙЗОРЛАР БАРАКАСИ



□ Фалла — 2019

Оққўрғонда ҳам галла ўрими авжида. Ташкил этилган 29 та отрядда 29 комбайн юқори унум билан ишлатилмоқда.



Туман газначилик бўлими бошлиғи Саидином Бобосаидов раҳбарлик қилаётган 255-отряд аъзолари Навоий номли массивдаги "Баҳодир Ўсар" фермер хўжалиги далаларида барака ҳосилини йиғиштиряптилар.

— Бу йил ҳам режани ортиғи билан бажариш ниятидмиз, — дейди фермер Ўткир ака Ўсаров. — Барча ишчи-

лар ва бизга беминнат ёрдам бераётган "Бек" фермер хўжалиги комбайнчиси Искандар Гасановга куч-ғайрат тилайман. Илоҳим, туманимиз хирмони ҳам донга тўлиб, юзимиз ёруғ бўлсин!

Зилола АНОРБОВЕВА
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат

МУАЛЛИФЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯЛАШ — ЯНГИ БОСҚИЧДА

Нурафшон шаҳрида вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида халқаро шартномаларга қўшилиши тўғрисидаги қонунларнинг мазмун ва моҳияти" мавзuida семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Интеллектуал мулк агентлиги мутахассислари, тегишли давлат органларининг масъул ходимлари, мутахассис ва тadbиркорлар иштирок этди.

□ Семинар

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 8 февралда қабул қилинган "Интел-

лектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор муаллифлар ҳуқуқини ҳимоялашни янги босқичга кўтарди.

Тadbирда сўзга чиққанлар, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик



ҳуқуқи бўйича шартномасига Ўзбекистон Республикасининг қўшилишига доир қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот беришди.

Шунингдек, тadbир иштирокчилари томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш, соҳада халқаро шартномалар та-

лабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқни қўллаш миллий амалиётини такомиллаштиришга оид масалалар қизгин муҳокама этилди.

Семинарда тadbиркорларнинг ўзлари яратган моделлар, ихтиро ва саноат намуналарига патент ва гувоҳномалар олиш

мақсадида берган мурожаатлари тингланиб, улар белгиланган тартибда расмийлаштирилаётган бўлди.

Тadbир савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Шерзод ҚОБУЛОВ
олган суратлар

Худудий секторлар фаолиятдан

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида мамлакатимизнинг барча худудларида йўлга қўйилган секторлар фаолияти давлат органларини аҳоли билан яқинлаштириш, халқ билан тизимли мулоқотни йўлга қўйишда янги босқични бошлаб берди.

ОДАМЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ — ВАЗИФАМИЗ

Бу борадаги аҳвол ўрганилган ҳолда, 2019 йил 8 январда давлатимиз раҳбарининг "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши аҳолининг муаммоларини жойида ҳал этишни таъминлашга қаратилган яхлит тизим яратилишига хизмат қилди.

Биргина Олмалик шаҳридаги Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи раҳбарлик қилаётган 4-секторда анчагина ижобий ишлар бўлаётганини кўриш мумкин. Гуруҳ томонидан ишни пухта ва режали ташкил этиш учун, аввало, шу ҳудудда яшовчи хонадонлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, одамларнинг ҳаёти батафсил ўрганиб чиқилди ва уларни қийнаётган муаммоларга ечим топишда кўмак берилди.

— Ишимизни маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиқни кучайтиришдан бошладик, — дейди шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Авазхон Эргашев. — Бу ҳар бир маҳалла ва тураржой мавзелааридаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, муаммоларни аниқлаб олиш имконини берди. Шулар асосида гуруҳнинг ҳисоботи тингланди ва ишлар белгиланган олинди.

Масалан, 2019 йилнинг ўтган ойлари мобайнида сектор ҳудудида ўтказилган ўрганишлар вақтида аҳолини қийнаб келаётган 503 та муаммо аниқланиб, уларнинг 381 таси жойида ҳал қилинди. Қолганларининг ечимини топиш бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар билан тегишли чоралар белгиланди.

□ Сайёр қабул

Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг турмуш тарзи ва меҳнат шароитларини яхшилаш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада солиқ бошқармаси томонидан ҳам тизимли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ижроси 4-сектор раҳбари томонидан назоратга олинган.

МУЛОҚОТ, МУАММО, ЕЧИМ

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят туман ва шаҳарларида жами 1 минг 321 та сайёр қабул ўтказилди. Қабулларда 218 та кам таъминланган оиллага 109 млн. сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилган бўлса, 90 нафар беморга соғлигини тиклаш учун ши-фохоналарга, 22 нафар имконияти чекланган фуқарога эса сихатгоҳларга йўлланмалар берилди.

Келинг, гуруҳ фаолиятига доир айрим факт ва рақамларни келтириб ўтайлик. Ўтган беш ой давомида шаҳардаги кўп қаватли уйлarning 7,9 минг кв.метр ҳажмдаги том қисми мукамал таъмирдан чиқарилиб, 7 таси жорий таъмирланди.

Худудда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар

тиш ва сўнгги монтаж ишлари бажарилмоқда. Шунинг ҳисобидан яна 30 та янги иш ўрни барпо этилади. Айтиш керакки, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан инвестиция

иссиқхона қуриш учун 29,5 млн. сўм кредит маблағлари ажратиш бўйича банкларга тегишли топшириқлар берилди. Шунингдек, 2 та ҳўжалик юритувчи субъектга ўз фаолиятини қайта тиклаш ва ри-

га муҳтож, ногиронлиги бўлган 7 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси, 12 нафар фуқарога доридармон ҳамда мосламалар берилди. Шунингдек, 25 оилага озиқ-овқат жамланмалари тарқатилиб, улар ҳолидан хабар олинди.

Секторга бириктирилган 13 та маҳалла ва таълим муассасасида жамоат ташкилотлари ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ёшлар тарбияси, оила мактаби, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳўқуқбузарликлар профилактикаси бўйича 14 маротаба суҳбат ва тадбирлар ўтказилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ОДАМЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ – ВАЗИФАМИЗ

рилди. Маҳаллаларда кенг қўллаб-қувватлаш ишлари ҳамда 31 та уйнинг ертўласи, 41 та йўл ва йўлаклар тартибга келтирилди, шунингдек, 12 та янги болалар майдонча-

◀ Бошланғич 1-бета

натijasида 2019 йилнинг ўтган даври давомида маҳаллий лойиҳалар асосида 4 та янги корхона ўз фаолиятини бошлади ва 26 та иш ўрни яратилди. Яна бир лойиҳани июль ойида ишга тушириш режалаштирилган. Айни пайтда корхонада асбоб-ускуналар ўрна-

кириштиш бўйича дастлабки қадам ташланди.

Сектор ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган фуқароларга қорвачилиқни ривожлантириш йўналишига 42,6 млн. сўм, тикув машиналари сотиб олишга 38,2 млн. сўм,

вожлантириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 51,3 млн. сўм банк кредитлари ажратилди.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти шаҳар бўлими билан ҳамкорликда сектор ҳудудда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимоя-

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ёш журналистлар кенгаши томонидан "Матбуотда "Устоз-шогирд" анъанаси: ютуқ ва муаммолар, назария ва амалиёт бирлиги" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

□ Давра суҳбати

Тадбирда мамлакатимизнинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари, хусусан, устоз журналистлар ва уларнинг шогирдлари, қатор университетлар профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этишди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида маҳалла ходимларни қўллаб-қувватлаш учун замонавий технологиялар ва хорижий тилларни пухта эгаллаган журналистларни тайёрлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, уларнинг назарий ва амалий билимларини уйғунлаштириш лозимлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, юртимизда маҳалла журналистларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ташкил этилгани бу борада дадил қадам бўлди. Университетда "устоз-шогирд" анъанаси жуда яхши йўлга қўйилган.

Хусусан, ҳар жума кунлари таълим даргоҳига меҳмонлар ташриф буюришади. Улар ўзларининг қимматли маслаҳатларини бериб, қасбий ва ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Талабалар маҳоратли устозларга саволлар билан мурожаат қилишади. Бундай қизиқарли учрашувлар баъзан жуда узоқ давом этади...

Дарвоқе, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги "Ёш журналистлар" кенгаши томонидан ташкил этилаётган ўқув-семинарлари, ижодий учрашувлар, мунозарали баҳслар миллий журналистикамиз ривожини учун хизмат қилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, устоз журналистлар анъанасини ўқув амалиётида жорий этиш, ривожлантириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

Мадина АБДУСАМАНОВА,
талаба

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

2018 йил Тошкент давлат аграр университетида Германиянинг Лейбниц номидаги қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш институти (ИАМО) билан ҳамкорликда "Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти" кўшма кафедраси ташкил қилинган эди.

□ Ҳамкорлик

Ҳозирги кунда бу кафедрада 3 нафар ўзбекистонлик докторантлар тахсил олмоқда. Докторантларга Германиянинг ИАМО, Халле, Гиссен ва Хоэнхайм университетлари етакчи профессорлари таълим бермоқда.

Ушбу ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида 2019 йилнинг 13 июнь кун ИАМО директори, профессор Томас Глаубен бошчилиги-



даги делегация ташриф буюрди.

Ташриф давомида иккита таълим муассасаси ўртасида илмий-амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, жумладан Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигида органик маҳсулотларни сертификатлаш, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш каби долзарб йўналишларда янги инно-

вацион лойиҳаларни амалга оширишга қелишиб олинди.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илм-фани ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси инобатга олиниб, профессор Томас Глаубенга университет томонидан Тошкент давлат аграр университети "Фахрий доктори" унвони берилди.

Ў.А.

□ Эшитмадим, деманглар!

ТАДБИРКОРЛАР, ЯНГИ ФАРМОНДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

"Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонида мувофиқ, 2020 йил 1 январдан:

* молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ёки устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус ҳудудий комиссиялар тугатилди;
* давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейинги бир йилда устав фонди шакллантирилмаганлиги учун тадбиркорларни тугатиш тартиби бекор қилинди;
* тадбиркорларни тугатиш жараёнидаги ортиқча ҳужжатлар қисқартирилади.

Шунингдек, 2020 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни ихтиёрий тугатишда:
* даврий босма нашр-



ларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар бериш талаб этилмайди;
* давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган кор-

хоналарнинг молия-ҳўжалик фаолияти текширилмайди;
* тугатиладиган корхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишнинг энг узоқ даврийлиги уч йилни ташкил этади;
* текшириш учун корхона тўғрисидаги мавжуд маълумотларни олиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилади;
* корхонани ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати 6 ойдан ошмаслиги керак (амалдаги қонунчиликка мувофиқ бу муддат 9 ой);
* тадбиркорлик субъектлари – жисмоний шахслар фаолиятини тўхтатишда ариза берувчидан тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулоса талаб этилмайди.

Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳар давлат солиқ инспекцияси

□ Долзарб мавзу

Бирор мавзу кўргазмалар қуроллар, тасвирий воситалар ёрдамида ифодаланганда гап нимадалигини тез ва аниқ тушуниб етамиз. Сабаби, баён этилган воқеликни кўз ўнгимиздан ўтказамиз.

Инсондаги айни хусусиятга кўра, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси олдида турган вазифани нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини фаҳмлаш қийин эмас. Бугунги кунда ташкилот вилоятларда ўз бўлимига эга бўлиб, давлатимиз сиёсатидаги муҳим масалалар, эришилаётган ютуқларни тарғиб қилади. Шу билан биргаликда оқсаётган соҳаларга эътиборимизни қаратади. Турли тўсиқ ва ғовлар, иллатлардан огоҳ этиб туради.

Аёнки, ижодий уюшманинг вазифаси анча залворли. Ҳўш, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг вилоятимиздаги бўлими фаолияти бугун қай даражада? Ташкилот жойларда ўз вазифасини уddалаётимизми?

– Очигини айтганда, айни пайтда қиладиган ишларимиз талайгина, – дейди "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Мурод Фуломов. – Афсуски, ҳозиргача ўз бинимиз йўқлиги, буюртма берган ташкилотлар тўловларини ўз вақтида амалга оширмаётганлиги жиддий қийинчиликларга сабаб бўлаяпти. Қуятган бўлсангиз, вилоятимиз бўйлаб ўрнатган баннерларимиз сони бор-йўғи 20 та чиқади. Айни пайтда туман ва шаҳарларимизда давлатимиз сиёсатида эришилаётган ютуқлар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга салбий таъсир



да. Хусусан, харажатларимиз учун маблағни маҳаллий ҳокимликлар ҳал этиб бериши керак. Афсуски, бу масалада ҳокимликлар анча суст ҳаракат қилаяпти.

Суриштирувларимиздан маълум бўлишича, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси вилоят бўлими Нурафшон шаҳридаги "Тонг" МЧЖ биносида ижа-



рада турар экан. Ташкилот ҳўжалик ҳисобиди, яъни ўз пулини ўзи топади. Асосан, тадбиркорлар ва давлат ташкилотлари буюртмаларини бажариш



орқали фаолият кўрсатиб келмоқда. Раҳбарнинг таъкидлашича, тадбиркорлар буюртмаси бўйича тўлов ўз вақтида амалга оширилган экан. Лекин, давлат ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизмат учун тўловни амалга оширишда пайсалга солиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Тўловларнинг кечикиши эса, уюшманинг

□ Касаба уюшмалари ва давр



Ўз мухбири

МЕҲНАТДА ЭМАС, ИЗЗАТДА

ЮНИСЕФ ташкилоти берган маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 5-17 ёш оралиғидаги 218 миллион бола ишлашга мажбур бўлмоқда. Шундан 152 миллиони (88 миллиони ўғил, 64 миллиони қиз болалар) замонавий куллик қурбонига айлантирилмоқда. 73 миллиони эса ҳаёт учун хавфли меҳнат билан шуғулланади.

Болалар меҳнатини иқтисодиётнинг барча секторларида учратиш мумкин. Масалан, ҳар 10 нафар меҳнат қилувчи боладан 7 таси қишлоқ ҳўжалигида ишлайди. Бу ҳақда Бўстонлиқ туманидаги "Ниҳол" болалар ёғзи соғломлаштириш оромгоҳида Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кўни муносабати билан "Қишлоқ ҳўжалигида болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида фойдаланишга йўл қўймаслик" мавзuida ўтказилган тадбирда маълум қилинди. Унда вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши мутасаддилари, педагоглар ва оромгоҳ тарбияланувчилари қатнашди.

Тадбирда сўз олганлар, юртимизда бола ҳўқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳамда уларни мажбурий меҳнатга жалб этишга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Шунингдек,

масъул ходимлар томонидан бола меҳнатининг турлари, дунёдаги хавфли касблар, вояга етмаганларнинг қандай шaroитларда меҳнат қилиши тақиқланиши бўйича маълумотлар берилиб, мавзуга доир видеоролик намойиш этилди. Болажонлар эса ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Тадбир доирасида стол тенниси, шахмат-шашка, баскетбол бўйича мусобақалар ҳамда расм чизиш бўйича қизиқарли танлов ҳам ўтказилди. Иштирокчилар биринчилик учун астойдил курашишди. Фолибларга эодалик совғалар ва бадий китоблар топширилди.

Яқунда оромгоҳда дам олаётган болажонларнинг олаётган хамда расм чизиш бўйича қизиқарли танлов ҳам ўтказилди. Иштирокчилар биринчилик учун астойдил курашишди. Фолибларга эодалик совғалар ва бадий китоблар топширилди.

Зухриддин ҚАМБАРОВ
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатиб, жойларда баннерларни қўллаб-қувватлаш тўсқинлик қилмоқда. Бу эса айрим хусусий реклама ташкилотларига қўл келиб, рақобат муҳитининг яратилмаслигига сабаб бўлаяпти.

Бу ҳолат бошқа муаммони келтириб чиқараяпти. Масалан, йўл четидидаги реклама характеридаги кичик ёки катта ҳажмдаги баннерларда имло хатолари билан ёзилган матнлар "урчиаяпти". Баъзи ҳолатларда баннер-

ларнинг сифатсизлиги, ранг ва тасвирлардан ўринсиз фойдаланилганига дуч келамиз.

– Фаст-фудлар савдосини бошлаган вақтда фаолиятимизни реклама қилиш учун кўчага баннер ўрнатиш зарур бўлди, – дейди исминини сир тутган тадбиркор. – Маблағни тежайман деб, арзонроқ нархда хизмат кўрсатадиган фирмага буюртма бердим. Шошиб турганим учун маттни яхши текширмабман. Эртаси кўни келиб, баннерни кўрдиму ҳафсалам пир бўлди. Имло хатолар билан ёзилганига эътироз билдирдим. Хизмат кўрсатувчи уни қайта тайёрлаб бермаслигини, айб ўзимда эканлигини айтиб, можаро чиқарди. Қайта тайёрлатай десам, ортиқча маблағим йўқ. Нойлоҳ, ўша аҳволда ўрнатишга мажбур бўлдим. Аммо, роса кулгига қолдим. Шармандаликка чек қўйиш мақсадида "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг вилоятимиздаги бўлимига янги буюртма беришга мажбур бўлган-дим ўшанда...

□ Сабоқ

Иш излаб юрган ёш муаллимага шахар шифохонасидаги бемор болалар билан шуғулланишни таклиф қилишди. Унинг вазифаси тенгдошларидан ортда қолиб кетмасликларини учун ўзлаштиришларига ёрдам беришдан иборат эди.

УМИДИНГНИ
СЎНДИРМА

Иш бошлаган илк кунда бир ўқитувчи кўнгирак қилди, шифохонадаги ўқувчисининг исми-шарифи, касалхона манзили ва ётган хонасини айтди. Она тилидан ўтилиши керак бўлган мавзу "От ва унинг турлари" эканини эслатди.

Муаллима айтилган манзилни топиб келди, бемор "Ёнғиндан қўйган болалар бўлими"да бўлиб, бу ҳақда оғохлангирмаган экан. Хонага киришдан олдин муаллимага махсус кийим-бош беришди ва бемор ётган каравотга яқин бормай, никоҳ билан гаплашиш зарурлигини тайинлашди. Ҳамма ҳозирликлар битган, муаллима хонага кирди. Болакайнинг жароҳати оғир, қаттиқ оғриқдан қийналарди. Ёш муаллима ноқулай вазиятда қолди, нима дейишни билмас, бироқ энди хонадан чиқиб ҳам кета олмасди. Ниҳоят, ўзини зўрга тутиб, тутила-тутила гап бошлади:

— Мен дарсларни ўзлаштиришда ёрдам бериш учун тайинланган ўқитувчиман. Бугун сен билан она тилидан "От ва унинг турлари" мавзусини бошлаймиз...



Эртасига муаллима яна келди. Йўлакда учраган ҳамширанинг: "Кечаги болакайга нима қилдингиз?" деган гапини эшитиб, қўрқиб кетди. Ҳамшира жимлайди:

— Боладан хавотирланаётган эдик. Лекин, сиз келиб-кетганингиздан кейин кўнглига умид, танасига куч кирди, гўё. Муолажаларимиз фойда қилаяпти. Ўзи ҳам яшашга интила бошлади...

Болакай ҳозиргача ўша муаллима билан илк учрашувини севишиб эслайди. Сабаби, жароҳати жиддийлигини билиб, тузалишдан умидини узганди. Касалхонадаги биринчи сабоқдан кейин ҳамма нарса яхши томонга ўзгариб кетганди. Ушанда дарс тугаб, ўқитувчи чиқиб кетганидан кейин болакайнинг кўзларидан қувонч ёшлари оқар, миясида эса бир фикр айланарди:

"Демак, яшар эканман-да. Ахир, ўладиган болага синфдошларидан орқада қолиб кетмасин деб "От ва унинг турлари" мавзусини ўргатиш учун муаллима жўнатишмайдиган-ку!..."

— Ҳозир реклама баннерларини тайёрлайдиган хусусий корхоналар кўпайиб кетган, — дейди тадбиркор Жаҳонгир Шарифбоев. — Улар кўпроқ мижоз орттириш мақсадида нархни пастроқ айтишади. Лекин, сифат унутилапти. Масалан, баннер материаллари, бўёқлари икки-уч ойда яроқсиз ҳолга келиб қолаёпти.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда қўчаларга илинган баннерларда кўпол

Бекорчилик, икки нафс бандаси, бири — нурафшонлик, иккинчиси — зангиоталик бўлган кимсаларни бир-бирига рўбарў этди. Иш қилириш баҳонасида нурафшонлик Замира ва зангиоталик Асрор (мақоладаги исми-шарифлар ўзгартирилган) телефон орқали бир-бирини топти.

Таниши орқали иш излаётган бир аёлнинг телефон рақамини билиб олган Асрор унга қайта-қайта телефон қилаверди. Дастлаб ўчирилган телефон бошида унча қовушмаган сўхбатларни бора-бора қўқолаштирди.

2015 йилнинг 26 декабрь кунини улар иссиқхонага ишга жойлашиш баҳонасида пойтахтнинг Жанубий вокзали олдига учрашишди. Табиийки, асосий мақсад иш бўлмагани сабаб, Асрор Замирани иссиқхона сари эмас, таксида Назарбекдаги ҳеч ким яшамайдиган уйига олиб келади. Уйни тартибга солиш баҳонасида кунни кеч қилган янги танишлар шу ерда тунаб қолишади.

Орадан чамаси йигирма кунлар ўтиб, улар Назарбекда яна учрашишди. Хуллас, уларнинг ишқий муносабатлари чуқурлашиб боради. Гоҳ Назарбекда, гоҳ Нурафшонда Замиранинг танишиникида учрашиб юришади.

Кунларнинг бирида Замира Асрорга энди яширинча учрашиб юрмасдан, никоҳдан ўтишни таклиф этади. Улар 2016 йилнинг 4 июнь кунини Нурафшонда бир мулла топиб, шаръий никоҳ ўқитишади.

Шу тарихда 1975 йилда Ўрта Чирчиқ туманида туғилган, 4 нафар фарзанд — 2 ўғил, 2 қизнинг онаси Замира Мамедова билан 1991 йилда Зангиота туманида туғилган Асрор Файзуллаев шаръий эр-хотинга айланадилар. Ваҳоланки, Замира Мамедова бу пайтда қонуний эри, ўша 4 фарзанднинг отаси Руслан Мамедов билан бир оилада яшаб келарди.

Шаръий никоҳдан ўтиб олган Замира билан Асрор энди бирга яшаш йўлларини излаб қолишади. Бунга баҳонаи сабабини ҳам тезда топишади. Асрорнинг Назарбекда деҳқончилик билан шуғулланишию, уй соҳиби Руслан

аканинг ҳам озроқ ер олиб, у-бу нарсаси эксаммикан, деган нияти улар қизиқишини муштарак этди. Шу боис, Асрорни дарҳол Нурафшонга — Замиранинг уйига қақариб олишга баҳона бўлди. У Руслан акага ёрдамлашиб, ишларига қарашиб юрди.

Эри ва уйидагиларга Назарбекда гўё Замира қарашиб юрадиган кампирнинг набираси сифа-

Жиноят ҳақиқати
ва адолат

ИЛЛАТ ДАН ТУҒИЛГАН

Нурафшон шаҳрида рўй берган ва барчанинг қалбини ларзага солган бу ваҳшиёна қотиллик на тайинли касби, на бир иш жойи бўлмаган, ҳайвоний хирсининг бандалари — икки ошиқ-маъшук томонидан содир этилди.

тида таништирилган Асрорни "Бу ким бўлди?" дея сўраганларга Замира: "Водийлик жияним", дерди. Хуллас, кўчада танишган икки ошиқ-маъшуқларнинг ишқий муносабатлари тобора чуқурлашиб борар, унинг охири яхшилик билан тугамаслигини уларнинг ўзлари ҳам яхши билишарди.

Энди уйда Руслан ака ортиқчалик қилаётганди. Азалдан давом этиб келаётган эр-хотин ўртасидаги катта-кичик можаролар "иккинчи эр" — Асрорга малол келар, шундай жанжаллардан кейин маъшукасини: "Сени жуда қўйнаб юборди, бир кун эрингни ўлдирарман!" дея юпатарди.

Бир сафар мана шундай вазият юзага келганида, Замира ҳам: "Қўлингдан келса ўлдир, кейин ик-

каламиз шу уйда тинчгина яшай-верамиз", деган гапни айтди.

Кўз кўрмаганини кўнгил сезади, дейишади. Гарчи Асрор билан Замиранинг ишқий муносабатлари пинҳона кечар, улар уйда ҳеч ким йўқ кезлари, асосан кундуз пайтлари мурод ҳосил қилишар, бошқа пайт гўё "опа-жиян" муносабатида юришарди. Аммо, Русланинг кўнгли ниманидир сезарди, чамаси. 2017 йилнинг апрель ойи кунларининг бирида томорқада дарахтларни буташар экан, Руслан ака

Руслан ака эса ердаги тўшақда ётганча телевизор кўришарди.

Соат тунги 23:00 лар атрофида Руслан акага иш жойидан кўнгирак қилиб, зудлик билан сув таъминоти борасида созланиши лозим бўлган жой борлигини айтишди ва у кийиниб, уйдан чиқиб кетади.

Шу пайт Замира Асрорнинг ёнига чиқиб, эри жонига тегиб кетганини, шу бугун уни "бир ёқлик қилиш"нинг айна пайти эканлигини айтди. Уларнинг фикрича, "Кечаси ишга кетиб, қайтиб кел-

қаттиқ зарба натижасида том шифти, дераза ойнаси, пол ва атрофга сачраган қон изларини тозаломоқчи бўлди, аммо кўркундан ҳушини йўқотган, у ишларини ҳам Асрорнинг ўзи бажарди.

Руслан ака ваҳшиёна ўлдирилиб, мурдаси томорқадаги гилос дарахти остига қўрилиб, қотиллик жойидаги қонлар ювиб ташланганидан кейин, орадан бир кун ўтган, яъни 2017 йил 18 сентябрь кунини Замира эрининг ишхонасига бориб, Руслан ака ўша кундан бери йўқлигини айтди. Ишхона-

мади", деган баҳона қотилликини беркитиш лозим эди.

Асрор маъшум ниятини амалга ошириш учун омборхонадан қувалда ва бир ўрам сим тайёрлаб қўяди. Соат тунги бирлар атрофида уйга қайтиб келган Руслан ака хотини билан яна нималардир тўғрисида тортишиб, бир оз бақир-чақир қилган, айвондаги жойига ётиб ухлаб қолди.

Қотил эса қўлидаги тўмтоқ болга — қувалда билан ухлаб ётган уй эгасининг бошига уч маротаба бор кучи билан уради. Атрофга қаттиқ хириллаш овози эшитиларди. Энди қотил жабрдийданинг томоғига сим солиб, бўға бошлади. Орадан бир оз фурсат ўтиб, хириллаш овози ҳам тинди... у жон таслим қилган эди.

Шовқиндан уйғониб, айвонга чиққан аёл вазиятни дарҳол англаб етди ва энди жиноят изини яшириш учун томорқадан чуқур кавлаб, мурдани қўмиб ташлаш лозимлигини айтди. Ўзи эса

Хулоса ўрнида суд мажлисларида ҳаёлимиздан кечган ўй-фикрларни қозғога туширишди. Наҳотки, айрим инсонларда ҳатто ҳайвонларча-лик оқибат бўлмаса?! Инсонни олий мавжудот мақомига мушарраф этган унинг онги, меҳр-оқибати, юксак инсоний фазилатлари эмасми? Бу — барчамизни чуқур мушоҳада этишга, сабоқ олишга ундайди.

Дилшод ТОҶИБОВЕВ,
Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси

ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛАР

Дарҳақиқат, бу йил 30 ёшга қадам қўйган Шахло Сопиевнинг қувончи чексиз. Яқинда Шахлонинг Ўзбекистон Республикаси Президентига ёзган илтимосномаси қондирилиб, у фуқаролик паспортига эга бўлди.

□ Фахр

Ш. Сопиева қўшни Қозоғистон республикасида туғилиб ўсган бўлса-да, Тошкентда ўқиб, ҳозирги кунгача Қибрай туманининг Салор шаҳарчасида доимий яшаб келаётган эди. Мактабда тасвирий санъат фанидан болаларга сабоқ беради.

— Ўзбекистон менинг ҳақиқий Ватаним, — дейди Ш. Сопиева. — Миллатим ўзбек. Шу ерда ўқиб, меҳнат қилаётган бўлсамда, қалбим кемтик эди. Президентимиз фармонида асосан фуқаролик паспорти



олишга муяссар бўлган-нимдан беҳад мамнунман. Орзуим ушалгани учун

Юртбошимиздан миннатдорман.

Ўз мухбиримиз

Хўжалик юритувчи
субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 1-moliya shakli ойллик (ташкilotнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида) ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 18-санасидан кечиктирмай тижорат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, банклар, суғурта ташкилотларидан ташқари) уларнинг алоҳида бўлинмалари (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича) eStat 3.0 авто-

матлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан оғохлангириб ўтамин. Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан оғохлангириб ўтамин. Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан оғохлангириб ўтамин. Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан оғохлангириб ўтамин. Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан оғохлангириб ўтамин.

2019 йил учун юқоридagi давлат статистика ҳисоботларини тақдим этувчи субъектлар рўйхатини Давлат статистика қўмитасининг расмий веб сайти www.stat.uz га кирган ҳолда у ердаги интерактив хизматлар бўлимидан шакллар рўйхати саҳифасида корхона ва ташкilotнинг хос СТИР (ИНН) кодиди терган ҳолда билиб олишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамин.

Фермер хўжаликлари
диққатига!

Фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 1-FX shakli 1 июль ҳолатига (фермер хўжалиқи фаолияти тўғрисида) ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай eStat 3.0 автоматлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан оғохлангириб ўтамин. Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан оғохлангириб ўтамин. Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан оғохлангириб ўтамин.

2019 йил учун юқоридagi давлат статистика ҳисоботларини тақдим этувчи субъектлар рўйхатини Давлат статистика қўмитасининг расмий веб сайти www.stat.uz га кирган ҳолда у ердаги интерактив хизматлар бўлимидан шакллар рўйхати саҳифасида корхона ва ташкilotнинг хос СТИР (ИНН) кодиди терган ҳолда билиб олишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамин. Тошкент вилояти статистика бошқармаси

Давлат статистика қўзатуви-

Хусусий
эълон

Ўрта Чирчиқ туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1988 йилда Мухитдинова (Аимбетова) Гахвар Магзамовна номига берилган шаходатнома йўқолганлиги (мактаб архивидида ёниб кетганлиги) сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

КУЛГИГА ҚОЛГАН КИМ?

имло хатолари тез-тез учраб турибди. Тилга эътиборсизлиқнинг ёрқин намунаси бўлиши бундай "тасвир"ларни кўрганда, кўнгил ўқсийди. Гап гапни очади, деганларидек, сўнги кунларда рус тилига расмий мақом бериш ҳақида баҳс-мунозаралар кўпайиб кетди. Тилнинг аҳамиятини тушунаган ҳам, тушулмаган ҳам фикр билдираяпти. Кўча-кўйда саводсизларча ёзилган "тасвир"лар ҳам аслида тилга эътиборсизликдан эмасми? Ўз тилида соф гапира олмайди-лар, қандай қилиб тўғри ёзсин, ахир?! Юқоридagi каби тузуриқсиз таклифларга ана шунақа чаласаводликнинг ҳам таъсири бор.

Мавзудан чалгимайлик. Ҳар нима бўлганда ҳам бугунги кун тадбиркори бу масалада масъулиятли бўлмоғи шарт. Мамлакатимизга сайёҳлар оқими ортиб бораётган бир пайтда бу борадаги хатолар шармандалиқнинг ўзгинаси.

Мақоламиз аввалида "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг вазифаси туман ва шаҳарлар-

виқот энг самарали восита ҳисобланади. Шундай экан, оғохлик биринчи даражага чиққан даврда нега давлатимиз сиёсатини тарғиб қиладиган, одамлар манфаатини ҳимоя этаётган мазкур ижодий уюшманинг фаолиятини қўллаб-қувватламаслигини келтириб қўйиб, вилоят ҳокимлигини айтган эдик. Бу ўта масъулиятли вазифа, аслида, сиёсат, гоҳ, мафкура, маърифат демакдир.

Одамларни эргаштириш, ишонтиришда тарғибот-таш-



Суриштирувларимиздан маълум бўлишича, вилоят ҳокимлиги, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлик, Қибрай, Тошкент, Куйи Чирчиқ туманлари ва Олмалик шаҳар ҳокимликларининг ижодий уюшмага тез-тез "иши" тушиб турар экан. Лекин, Бекобод, Пискент туманлари ва Оҳангарон шаҳар ҳокимликлари эса "Тасвирий ойна"нинг тасвирларига эҳтиёж сезмагани қизиқ.

Очиги, ҳозир ҳам тинч ҳаётимизни издан чиқаришга ҳаракатлар ҳамон учраб турибди. Бунга қарши курашмоқчи бўлган уюшма эса маҳаллий ҳокимликларнинг "қош-қовоғи"га қарашга мажбур. Демак, тарғибот-ташвиқот ишлари жойлардаги мутасад-

Вилоятимиз кўча ва йўлларига ўрнатилган катта баннерлардаги имловий хатоларга қўзғиниб тушган, албатта. Аммо, улар "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси бўлимига тегишли эмас. Биз ҳеч кимнинг фаолиятига аралашмоқчи эмасмиз. Фақат саводсизларча ёзувлар бўлмаслиги тарафдоримиз, холос. Мақолаи ёзишдан мақсад ҳам шу аслида...



ОЛМАЛИҚДА ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ИШ БОШЛАДИ

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида вилоятимизда қурилиб, фойдаланишга топширилган кутубхоналар сони яна биттага кўпайди.



Олмалик шаҳридаги Увайсий номли маҳаллада замонавий электрон кутубхонанинг очилишига бағишланган тантанали тадбирда шаҳар ҳокимлиги, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси,



вилоят прокуратураси ҳамда 200 га яқин китобхона ёшлар, маҳалла фаоллари, тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Қисқа вақтда бунёд этилган замонавий бинода 3000

дан зиёд бадиий адабиётлар ва интернет кутубхона мавжуд бўлиб, бир вақтинг ўзида 50 нафар ўқувчи хизмат кўрсатмоқда. Кутубхона таркибига китоб дўкони ҳам жойлашган. Бу ерда интернет кутубхонадан фой-

даланиш имконияти мавжуд. Шунингдек, китобхоналарга қулайлик яратиш мақсадида ўқув зали, "Safe book" тамаддиҳонаси ҳам ташкил этилган.

Кутубхона ҳудудидаги аввал фойдаланилмайётган қаровсиз майдон тадбиркор Улуғбек Нишонбоев томонидан обodonлаштирилиб, гулзорга айлантилди. Бу ерда очик табиат қўйнида китоб мутлаа қилмоқчи бўлганлар учун ўриндиқлар жойлаштирилган.

Шунингдек, йил охирига қадар шаҳарда "Йўл харитаси"да белгиланган вазифалар доирасида "Олмалик кон-металлургия комбинати" билан ҳамкорликда вилоятдаги энг йирик ихтисослашган илмий-бадиий кутубхона қурилиши ҳам режалаштирилган.



ЗИЁ МАСКАНИГА ЯНА 100 КИТОБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси доирасида Бўка туманида Халқ кутубхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.

Мазкур кутубхона туман ёшларининг маънавий-маърифий, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёш китобхоналар кўпайишига хизмат қилиб келмоқда.

Қисқа фурсатда кутубхона фонди 5000 дан зиёд сара адабиётлар, 6 та компьютер жамланмаси билан бойитилиб, интернет тармоғи ва wi-fi ҳудуди ташкил этилган. Бугун зиё маскани яна 120 та бадиий адабиёт ва 2000 та электрон китоблар билан бойиди.

Қуни кеча вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси томонидан кутубхона фаолияти ўрганилди, келгусида бажариладиган ишларни самарали ташкил этиш бўйича тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонадан 100 дона бадиий ва 2000 номдаги электрон адабиётлар, "Наврўз" нашриёти томонидан эса 20 дан зиёд бадиий китоблар совға қилинди.

Ўз мухбиримиз

Шанба сабоқлари

Башанг кийиниб олган бир киши бозорда айланиб юриб, ёғ сотадиган аёлга дуч келдида, сўроққа тутди: – Эй, сен нима сотаялсан? – Ёғ сотайман, жаноб, – жавоб қайтарди аёл.

– Кўрсатчи! – аёлнинг бошидаги хумга ишора қилди нотаниш киши. Аёл бошидаги ёғ идишини тушираётганида рўпарасидаги олифта кишининг башанг уст-бошига бир неча томчи ёғ сачраб, тушган ерида доғ ҳосил қилди. Бундан ғазабланган ҳалиги киши энди ростманасига дағдағга ўтди:

МАРД ЙИГИТНИНГ ҲИММАТИ

– Хой, шалтоқ хотин, ақлинг жойидими? Либосимни расво қилдинг-ку! Бу либосимнинг баҳосини биласанми? Қани, тўлаб қўй энди! Пулини тўламагунингча, жойимдан жилмайман! Охира танг ҳолда қолди. Ялиниб-ёлворибга тушди: – Кечиринг, жаноб, беҳосдан бўлди. Мен бир мискин аёл бўлсам, қандай тўлайман, ахир?

– Қандай расво қилган бўлсанг, шундай тўлайсан! Тўламагунингча кетмайман! – баттар жажланди бегона эркак.

– Қанча туради, кийимингиз? – деб сўради аёл секингина.

– Минг дирҳам! Аёлнинг хуши учаёзди: – Шунча пул менда нима қилсин, маъзур тутинг...

– Бўёғи билан ишим йўқ! Тўлайсан, вассалом!

– Раҳмингиз келсин, жаноб. Мени шарманда қилман!

Шу тақдир даҳанани тортишувни четдан кузатиб турган бир йигит келиб, суҳбатга аралашди. Аёл йигитга нажот билан қараб, бор гапни бошдан айтиб берди.

– Жуда соз, – ҳалиги кишига юзланди йигит. – Мен бераман сизга ўша пулни!

Йигит шундай деб киссасидан тангалар чиқариб, нақд минг дирҳам санаб берди. Аёл нима бўлаётганини ҳануз англолмас, нотаниш киши эса, пулларни битталаб санаб олиб, бу ердан тезроқ жуфтани

ростлашга шошарди.

Шунда йигит нотаниш эркакни тўхтатди. Улар ўртасида шундай суҳбат кечди. Йигит:

– Кўнглингиз жойига тушдими? Кийимнинг пулини олдингизми?

Нотаниш киши: – Ҳа, олдим! Роппа-роса минг дирҳам экан!

Йигит: – Кийим қани? Нотаниш киши:

– Қанақа кийим? Йигит:

– Мен либосингизнинг пулини тўладим, яъни, уни сотиб

олдим. Шундай экан, уни менга беринг, энди!

Нотаниш киши: – Яланғоч кетаманми? Йигит:

– У ёғи билан ишим йўқ. Нотаниш киши:

– Кийимни бермасанми? Йигит:

– Кечиринг, жаноб, беҳосдан бўлди. Мен бир мискин аёл бўлсам, қандай тўлайман, ахир?

– Қанча туради, кийимингиз? – деб сўради аёл секингина.

– Минг дирҳам! Аёлнинг хуши учаёзди: – Шунча пул менда нима қилсин, маъзур тутинг...

– Бўёғи билан ишим йўқ! Тўлайсан, вассалом!

– Раҳмингиз келсин, жаноб. Мени шарманда қилман!

Шу тақдир даҳанани тортишувни четдан кузатиб турган бир йигит келиб, суҳбатга аралашди. Аёл йигитга нажот билан қараб, бор гапни бошдан айтиб берди.

– Жуда соз, – ҳалиги кишига юзланди йигит. – Мен бераман сизга ўша пулни!

Йигит шундай деб киссасидан тангалар чиқариб, нақд минг дирҳам санаб берди. Аёл нима бўлаётганини ҳануз англолмас, нотаниш киши эса, пулларни битталаб санаб олиб, бу ердан тезроқ жуфтани

ростлашга шошарди.

Шунда йигит нотаниш эркакни тўхтатди. Улар ўртасида шундай суҳбат кечди. Йигит:

– Кўнглингиз жойига тушдими? Кийимнинг пулини олдингизми?

Нотаниш киши: – Ҳа, олдим! Роппа-роса минг дирҳам экан!

Йигит: – Кийим қани? Нотаниш киши:

– Қанақа кийим? Йигит:

– Мен либосингизнинг пулини тўладим, яъни, уни сотиб

олдим. Шундай экан, уни менга беринг, энди!

Нотаниш киши: – Яланғоч кетаманми? Йигит:

– У ёғи билан ишим йўқ. Нотаниш киши:

– Кийимни бермасанми? Йигит:

– Кечиринг, жаноб, беҳосдан бўлди. Мен бир мискин аёл бўлсам, қандай тўлайман, ахир?

Аёллар футболли:

XVIII Ўзбекистон кубогига қуръа ташланди

Пойтахтимиздаги Профессионал футбол лигаси биносидан аёллар футболли бўйича 18-бор ташкил этилаётган Ўзбекистон кубоги ўйинларига қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Унда мамлакат миллий чемпионати олий лигасида иштирок этаётган 15 та жамоа ҳамда 1-лига аъзоси "Хоразм" жамоасидан вакиллар қатнашди.

Қуръа-ташлаш жараёнида жамоаларнинг мавқеалари аниқланди. Аввалига амалдаги чемпион "Бунёдкор" ҳамда Кубок соҳиби "Севинч" мусобақанинг дастлабки босқичларидаёқ бир-бирга рўбарў келмаслигининг олди олинди – ўзаро қуръага кўра бири "сетка"нинг юқорисига, иккинчиси қуйи қисмига жойлашди. Бу тартиб навбати билан "Металлург" ва "Шўртан" клублари билан

ҳам давом эттирилди. Яқунда икки минтақада қатнашган ва қуйи ўринларда бораётган жамоалар учун умумий қуръа ташланди.

Қуръанинг яна бир аҳамиятли жиҳати, ўз минтақаларида қуйи ўринларда бораётган жамоалар кучли дея эътироф этилаётган клубларни ўз майдонларида қабул қилади. Битта ўйиндан иборат нимчорак финал учрашувлари қолиблари чорак финалга йўлланма олади.

Бойрам авжиди, ҳамма қувноқ қайфиятда ўйнаб қулапти, фақат нимжонга бир кизча болаларга қўшилмай, бир четда мунгойиб турибди. Гўё ён-атрофидаги хурсандчилик унга бегонадек. Жикка ёш тўла кўзларини дарвозадон узмай, ҳар бир келган одамга олазорак боқди. Назоримизда келаётганлар орасидан ўз ота-онасини излаётгандек...

Қибрай туманидаги психолог ривожланиши бўзилган болалар учун ихтисослаштирилган Болалар уйи остонасидан ҳатлар эканмиз, шу манзаранинг гувоҳи бўлдик.

– Мадина бошқа болаларга нисбатан анча тийрак, – дейди ҳолатимни сезган Болалар уйи директори Саида Мирза-рахимова. – Ота-онаси ақлан носоғлом эканлигини билгач, уч ёшлигида олиб келган.

Мана орадан уч йил ўтди, лекин ота-онаси ундан бирор марта ҳам хабар олмаган. Ҳатто, бир неча маротаба отасига қўнғироқ қилиб, келишини илтимос қилганмиз. Афсуски, фойдаси бўлмади. Камига бундан бир неча ой илгари кизчанинг ота-онаси ундан қонунан воз кечди. Ваҳоланки, унинг аҳволи аввалгига нисбатан анча яхшилланган. Бир қарашда унинг ақлан заиф эканлигини сезмайсиз.

Дарҳақиқат, Мадина билан суҳбатлашсангиз унинг соғлом болалардан ҳеч қандай фарқи йўқлигини фаҳмлайсиз. Саида опанинг айтишича, унинг ота-онаси анча обрўли инсонлар.

Улар ўз обрўсини ўйлаб, кизидан бутунлай воз кечишган. Аммо, қизча фақат ота-онасини қўриш орзуси билан яшамокда.

– Бугун ҳамма ўртоқларим

болалар уйига носоғлом болалар вақтинчалик қабул қилинади, – дея сўзида давом этди Саида опа. – Улар етти ёшга қадар парваришланади. Шундан сўнг ота-онасига қайтарилади ёки махсус интернатларга жўнатилади. Афсуски, бу ердаги аксарият болаларнинг ота-онаси фарзандидан воз кечишган. Уларни қайтариб олиб кетиш у ёқда турсин, ҳатто бир йилда бир марта йўқлашмайди ҳам. Шукр, давлатимиз бу каби

болаларга катта ғамхўрлик қилмоқда. Улар учун барча шароитлар бор. Болалар Республикаси ижтимоий мослашув маркази томонидан йилда бир маротаба тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, чуқур даволанади.

Аслида бу ерда улғаяётган болалар ҳам жамиятнинг бир бўлаги. Уларнинг ҳам ўз ота-онасига эркилик қилишга ҳаққи бор. Интернатимизда тарбияланаётган болалар орасида шундай истиснодликлар борки... улар чизган суратларни, қуйлаган қўшиқларни, ёдлаган шеърларни, ижро этган рақсларни унча-мунча соғлом бола қилолмайди. Ота-оналардан меҳрга муҳтож болаларини бу аҳволга солиб қўймасликларини, улардан тез-тез хабар олиб туришларини сўраган бўлар-

нинг ота-оналари кўргани келишиди, улар билан ўйнашди, совғалар беришди, мени ота-онам эса келишмади, – дейди кўзлари ёшга тўлган Мадина. – Менга ҳеч нарса керак эмас, фақат ота-онам келишса бўлди...

Очиғи, бундай ҳолатни томоша қилиб туриш учун инсоннинг юраги тошдан ҳам қаттиқ бўлиши керак...

– Тартибга биноан, бизнинг

болалар уйига носоғлом болалар вақтинчалик қабул қилинади, – дея сўзида давом этди Саида опа. – Улар етти ёшга қадар парваришланади. Шундан сўнг ота-онасига қайтарилади ёки махсус интернатларга жўнатилади. Афсуски, бу ердаги аксарият болаларнинг ота-онаси фарзандидан воз кечишган. Уларни қайтариб олиб кетиш у ёқда турсин, ҳатто бир йилда бир марта йўқлашмайди ҳам. Шукр, давлатимиз бу каби

болаларга катта ғамхўрлик қилмоқда. Улар учун барча шароитлар бор. Болалар Республикаси ижтимоий мослашув маркази томонидан йилда бир маротаба тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, чуқур даволанади.

Аслида бу ерда улғаяётган болалар ҳам жамиятнинг бир бўлаги. Уларнинг ҳам ўз ота-онасига эркилик қилишга ҳаққи бор. Интернатимизда тарбияланаётган болалар орасида шундай истиснодликлар борки... улар чизган суратларни, қуйлаган қўшиқларни, ёдлаган шеърларни, ижро этган рақсларни унча-мунча соғлом бола қилолмайди. Ота-оналардан меҳрга муҳтож болаларини бу аҳволга солиб қўймасликларини, улардан тез-тез хабар олиб туришларини сўраган бўлар-

нинг ота-оналари кўргани келишиди, улар билан ўйнашди, совғалар беришди, мени ота-онам эса келишмади, – дейди кўзлари ёшга тўлган Мадина. – Менга ҳеч нарса керак эмас, фақат ота-онам келишса бўлди...

Очиғи, бундай ҳолатни томоша қилиб туриш учун инсоннинг юраги тошдан ҳам қаттиқ бўлиши керак...

– Тартибга биноан, бизнинг

Нимчорак (1/8) финал ўйинлари тақвими:
27 июнь (пайшанба)
"Навбахор" – "Севинч"
28 июнь (жума)
"Хоразм" – "Сўғдиёна"
"Сурхон" – "Локомотив"
29 июнь (шанба)
"Қизилқум" – АГМК
30 июнь (якшанба)

"Бухоро" – "Металлург"
"Андижанка" – "Пахтакор"
1 июль (душанба)
"Нефтчи" – "Шўртан"
"Динамо" – "Бунёдкор"
Чорак финал ўйинлари
19-22 август кунларига белгиланган.

Ойбек ЮНУСОВ,
ЎЗА



Бағрикенглик

ЭГРИ ЙЎЛДАН ТЎҒРИ САБОҚ

Президентимизнинг 2019 йил 3 июндаги "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармони халқимиз ниҳоятда катта хурсандчилик билан қутиб олди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, афв этилган фуқароларни ҳаётга қайтариш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида Тошкент туманида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Қўрсаройлик Фанижон Аҳмедов оқни қорадан ажрата оладиган ёшида йўлдан адашиб, турли бузғунчи гоёлар таъсирида умрининг энг гуллаган икки ярим йилини маҳкумликда ўтказишига тўғри келди. Бу муддат ичида у қилган хатоларини тушуниб етди. Чин қўнғилдан пушаймон бўлиб, афв этишларини сўради. Озодликка чиқиб, оиласи ва 6 нафар фарзандининг бағрига қайтди. Ҳозирда у тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

– Президентимиздан миннатдорман, яна ҳаётга қайтдим, – дейди масалбойлик Шўхрат Мавлонов. – Умримнинг етти ярим йили панжара ортида ўтди. Бир қўлимдан айрилдим. Мен тенгилар аллақачон уйланиб, уйли-жойли, бола-чақали бўлишган. Мен эса... Каттиқ пушаймонман. Энди ҳаётимда янги саҳифа очилди. Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. Менга билдирилган ишончни оқлайман. Ҳалол яшайман.

Ҳаётда ҳамма ҳам адашади, қоқилади. Сен ёмонсан дея, юзига қора бўёқ чаппаб, четга чиқариб қўйиш инсонийликдан эмас. Фанижон ва Шўхрат энди тўғри йўлдан юришларига ишонамиз.

А. ҲУСАНОВА

Интилиш

Пискент туманида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида янги боғча, мактаб, маҳалла гузарлари, тиббиёт марказлари қад кўтарилмоқда.

ПИСКЕНТ

ШИРИНЛИКЛАРИ

Қуни кеча туман марказида янги қаҳвахона ва ширинликлар тайёрлаш цехи очилди. Лойиҳа асосчиси Гулноза Алматованинг асли қасби ўқитувчи, Лекин, тадбиркорликка қизиқиши сабабли янги бизнес гоё билан чиқиб, қаҳвахона, унинг қошида ширинликлар тайёрланган цех ва аёллар учун ўқув маркази ташкил этди. Очилиш маросимида туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Раҳима Мирҳолиқова сўзга чиқиб, мазкур мажмуа ҳудудда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳаракатларнинг яна бир ифодаси эканлигини таъкидлади.

М. БОЗОРОВА

Одамийлик шеваси

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш, бизчи? Ўзимиз-

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш, бизчи? Ўзимиз-

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш, бизчи? Ўзимиз-

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш, бизчи? Ўзимиз-

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш, бизчи? Ўзимиз-

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш, бизчи? Ўзимиз-

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш, бизчи? Ўзимиз-

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш, бизчи? Ўзимиз-

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш, бизчи? Ўзимиз-

шундан 38 таси тарбиячи. Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Уни кўриб, қаттиқ таъсирландим. Унда дарахдан йиқилиб, нобуд бўлган боласини бағрига босиб, фарёд ураётган она маймун тасвирланган. Бундан қарангки, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласининг ўлимини кўтара олмаяпти. Хўш,